

Шоҳ ва шоир Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 541 йиллиги кенг нишонланмоқда



Бугун Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 541 йиллиги муносабати билан Термиз туманидаги таълим муассасаларида кўплаб маънавий-маърифий тадбирлар бўлиб ўтди.

Ана шундай тадбирлардан бири тумандаги 12-сонли умумтаълим мактабида ўтказилди. Тадбирда буюк саркарда, шоҳ, шоир ва олим Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг ҳаёти ва ижоди, бой маънавий мероси ёдга олинди.

Мактабнинг иқтидорли ўқувчилари томонидан шоирнинг ғазал ва рубойиларидан парчалар келтирилиб, Ҳинд диёрида мусофирликда кечган ҳаёт йўллари саҳна кўринишларда акс эттирилди.